

АҚШдаги Коннектикут штати мусулмонлари ҳайит байрамларни расмий байрам бўлишини талаб қилмоқда



13:54 / 26.05.2023 1302

Коннектикут штатининг Waterbury шаҳридаги мусулмон ота-оналар ва адвокатлар фарзандларига диний байрамларни оиласи билан нишонлашларига рухсат бериш учун давлат мактабларидан уларнинг диний байрамларини эътироф этилишини сўраган.

Fox 61 хабар беришича, Waterbury шаҳрининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси раиси ўринбосари Фаҳд Саид шундай дейди: «Биз байрамларимизни нишонланишини хоҳлаймиз, шунда, оилаларимиз, дўстларимиз ва яқинларимиз жамиятда ўзларини ноқулай ҳис қилишмайди».

Америка Исломи Алоқалар Кенгашининг (CAIR) Коннектикут бўлими адвокатлари ҳам икки исломий ҳайит байрамини расмий байрамлар сифатида нишонлашни сўраган.

«Коннектикут штати атрофидаги мактаб округларидан кейин Waterbury шаҳрининг мусулмон аҳолиси сонида сезиларли ўсиш кузатилди, хусусан,

улар орасида лотинликлардан тортиб африкаликларгача, покистонлик, ҳинд, араб, албан ва бошқа миллатлар бор», дейди Waterbury Ислом маданияти маркази котиби Жавад Ашраф.

Мусулмон талабалар диний байрамнинг тан олиниши мусулмон талабаларни бошқалар билан тенглигини ва жамиятга тегишли шахс эканлигини таъминлашга қаратилган энг муҳим қадам, дея таъкидлаган.

Бугунги кунда Америкадаги кўплаб мактабларда мусулмонларнинг икки ҳайит байрамлари нишонлаб келинмоқда.

Жумладан, 2021 йил Люистон Мейн давлат мактаблари тақвимида икки ҳайит байрамлари ҳам қўшилди ва бу мусулмон талабаларга ўз байрамларини одатдагидек нишонлаш имконини берди.

Шунингдек, 2019 йилнинг ноябрь ойида «Baltimore County Board of Education» мактаб кунлари ҳайит байрамларига тўғри келиб қолса, шу куни дам олиш куни деб белгиланган.